



INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL ONLINE CONFERENCE

TEACHING FOREIGN LANGUAGES

TSUL ICON FLT



TASHKENT 2021



International Conference on Teaching Foreign Languages

TSUL iCON – FLT

30/04/2021

THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

An international scientific and practical online conference on the topic

**TSUL INTERNATIONAL CONFERENCE ON
TEACHING FOREIGN LANGUAGES
(TSUL ICON - FLT)**

Foreign languages department

Tashkent – 2021



ЮРИДИК ТАЪЛИМДА АНЪАНАВИЙ, МАСОФАВИЙ ВА АРАЛАШ (ГИБРИД) ЎҚИТИШДАГИ ИННОВАЦИОН ҚАРАШЛАР

Худойназаров Дадаҳон Аваз ўғли

*Тошкент давлат юридик университети
таянч докторанти*

E-mail: dadaxon.xudoynazarov92@mail.ru

DOI 10.5281/zenodo.4963440

Бугунги шиддат билан ривожланиб бораётган бутун дунёга халқларни таҳликага солган коронавирус балоси кириб келди. Бундай балога ҳеч бир давлат ёки соҳа тайёр эмас эди. Коронавирус пандемияси биргина бутун дунёда таълим олиш жараёнини ўзгартириб юборди. Минглаб мактаб, колледж, лицей ўқувчилари, талабалар ўқишга бормай, уйидан туриб ўқишни давом эттиришига тўғри келди.

Ҳаттоқи, қисқа фурсатда олий таълим муассасаларида хусусан, ҳуқуқшунослик университетларида ҳам анъанавий ўтилган дарсларнинг тўсатдан масофавий (онлайн) шаклга кўчгани таълим берувчи ўқитувчилар учун ҳам катта тажриба-синов мактаби бўлди.

Шу ўринда анъанавий, масофавий ва аралаш(гибрид) таълим тизимининг асосий тушунчаларини келтириб ўтишимиз жоиздир.

Анъанавий таълим – бу таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги ўзаро таълим жараёнига оид муносабатларнинг тўғридан-тўғри (бильвосита) асосига қурилган алоқаси.

Масофавий таълим – бу ўқитувчи ва ўқувчи (талаба)нинг бир бири билан масофа ёки информацион технологиялардан фойдаланган ҳолда алоқа қилиш тури. Иккинчи таъриф, масофавий таълим – ўкув жараёнининг мақсади, мазмуни, услублари, ўқитиш воситалари ва интернет технологиялари

ёрдамида тингловчи ҳамда ўқитувчиларнинг масофадан туриб, интерфаол мулоқот қилиш жараёни ҳисобланади¹.

Аралаш (гибрид) таълим – анъанавий таълим, масофавий таълим ва интерактив таълимнинг биргаликда олиб борилиши, ўқувчи (талаба)ларнинг ҳам ўқитувчи билан ҳам мустақил равишда таълим олиш шаклидир.

Бугунги кунда барча халқ таълим (асосан аралаш-гибрид) ва олий таълим муассасалари анъанавий ҳамда масофавий таълим шаклида фаолият олиб бормоқда. Масофавий таълим шакли пандемия сабабли таълимнинг юқори босқичига кўтарилди.

Пандемия сабабли, ҳукуқшунос талabalар замонавий таълимнинг энг муҳим ва тобора оммавийлашиб бораётган масофавий таълим шаклидан кенг фойдаланиб келмоқда. Бунда ҳукуқшунослар талabalарнинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса қилиш, мустақил қарор қабул қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Мустақил билим олишга, изланишга, фикрлашга ўргатади. Бунда талаба ўзига қулай вақтда, қулай жойда, қулай муҳитда билим олиши ва илмий тадқиқот олиб бориши мумкин. Шу туфайли ушбу тизим бугунги кунда дунёда кенг оммалашмоқда.

Хўши, анъанавий таълимнинг қандай афзалликлари мавжуд?

1. Қисқа вақт ичида ўқувчи (талаба) ларни фан асослари ва фаолият усуллари, мисоллари билан яхиндан таништиришга имкон беради².
2. Бевосита билимларни ўзлаштириш, амалий кўникма ва қобилиятларни тезда шакллантиришнинг мустаҳкамлигини таъминлайди.
3. Савол жавоблар жараёни бевосита тарзда амалга оширилади. Бу таълим жараёнида бўшлиқлар пайдо бўлишининг олдини олади.
4. Ассимиляциянинг колектив хусусияти одатдаги хатолар ва уларни бартараф этиш учун йўналтиришларни аниқлашга имкон беради.

¹ С.Ниёзова ТДЮУ профессори в.б, ю.ф.д. (DSc), А.Алланова ўқитувчи <http://hudud24.uz/masofaviy-talimning-afzalligi-bu-tizimning-dunyoda-keng-mmashishiga-sabab-nima/>

² <https://apriori-nauka.ru/uz/education/dostoinstva-i-nedostatki-tradicionnoi-istemy-obucheniya.html>.

Бундан кўриниб турибдики, ҳуқуқшунослар фаолиятида ҳам анъанавий таълимнинг ўрни бекиёсдир. Чунки, ҳуқуқшунослик соҳасидаги баъзи фанлар анъанавий таълимда олиб борилиши орқали кўпроқ самара беради.

Масофавий таълимнинг афзалликлари нималардан иборат?

1. Ўқувчи (талаба)лар кўпроқ мустақил ишлашга, илмий ижод билан шуғулланишларига, китобларни мутолаа қилишларига имкониятига эга бўлади³.

2. Хориж давлатлар томонидан ташкил қилинадиган онлайн видеоконференцияларда қатнашиб, касбий маҳоратларини ривожлантириб боради.

3. Саломатлиги анаъвий ўқишида чекланганлар, олис ҳудудларда яшовчи ўқувчи(талаба)лар ҳам таълим олиши мумкин.

4. Масофадан туриб ўқигандага бир неча курсларда бир вақтнинг ўзида таълим олиш имкони мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига биноан таълим олиш шакли сифатида масофавий таълим олиш яратилган⁴. Ушбу қонуннинг 16-моддасига биноан масофавий таълим ўқув режалари ва ўқув дастурларига мувофиқ таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва қўникмаларни ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб олишга қаратилганлиги белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда ТДЮУ да таълим олиш жараёни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги

³ М.Ҳакимова Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузуридаги “Филология, психология ва педагогика” Илмий-техник кенгаши раиси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, п.ф.д.<https://mininnovation.uz/uz/news/2054>

⁴ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонун.

ПФ-5987-сон фармони асосида олиб борилмоқда⁵. Жумладан, масофавий ўқитиш шаклини босқичма-босқич жорий этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. “Электрон университет” (E-University) тизимини жорий этган ҳолда очик, шаффоф, субъективлик ва суиистемолчиликлардан холи бўлган таълим муҳитини яратиш; Замонавий технологиялар ва интерактив таълим услубларини (**E-Minbar** электрон платформаси), талабаларинг мустақил ўқув ва амалий фаолияти объектга йўналтирилган ва динамик таълим муҳити (**Moodle**) <http://distant.tsul.uz> масофавий таълим платформаси ишга туширилди. “Start-up” экотизимини яратиш мақсадида университетда Legal Tech лабораторияси жорий этилди. Ушбу лаборатория ёшлар томонидан стартап лойиҳаларни ахборот-техник жиҳатидан қўллаб қувватлашга қаратилиган. Ҳозирги кунда лаборатория томонидан Huquiy Shahar электрон платформа ва мобил иловаси яратилди. Форсайт прогнозлаш платформаси устидан ишлар олиб борилмоқда.

Университетда ўқув жараёни distant.tsul.uz масофавий таълим платформаси ҳамда Zoom дастури орқали, адабиётлар ва манбалар эса **library.tsul.uz** электрон кутубхонасига жойлаштирилган. Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш марказида ҳам ўқув жараёни масофавий тарзда олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 марта қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғига кўра республикамиздаги мавжуд

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5987-сон фармони



ОТМлар масофавий ўқитиши технологияларини яратиш ва ишга тушириш юзасидан ишлар олиб борилган⁶

Бугунги пандемия даврида олий таълимнинг сиртқи ва маҳсус сиртқи шаклларида дарслар масофадан туриб онлайн тарзда ўқитилши йўлга кўйилган.

Таълим шаклининг аралаш ўқитиши шаклига тўхталиб ўтадиганг бўлсак, ушбу шакл асосан халқ таълимида кенг қўлланилиб келинмоқда. “Blended Learning” деб аталадиган ушбу шаклда ўқув жараёнининг айrim элементлари электрон таълим муҳитида олиб борилади.

Анъанавий, масофавий ва аралаши(гибрид) таълим шакллари бўйича хориж тажрибасини келтириб ўтамиз.

Буюк Британиянинг университетида масофавий таълим фақат талабалар билан масофавий ишлашда фойдаланилади. Бунда талабаларнинг ҳар бири виртуал ўқитувчига бириктирилади. Маслаҳатлар ва яқуний назоратларни топшириш учун ҳудудий бўлимлар ташкил этилади. Бундай ўқув курсларида ўқитувчи ва талабаларга ўқув шаклини ва формасини танлашда катта имкониятлар ва эркинликлар берилади.

Англия ва Австралия университетларида масофавий ва кундузги таълим турларини интеграциялашувидан ҳосил бўлади. Талабалар ўқув курснинг бир кисмини кундузги, бошқа қисмини эса масофадан ўқыйди. Шу билан бирга бу таълим турига виртуал семинар, презентациялар ва маъruzalар ўтказиш ҳам киради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, таклиф ва тавсияларимизни келтириб ўтишимиз жоиздир.

Биринчидан, масофавий таълимда **Эдвайзер** (фр. “avisen” – “ўйламоқ”, “advisor” – “ўйловчи”) битирув малакавий иши, курс лойиҳаларининг таълим

⁶ Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2020 йил 27 марта қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги бўйруғи <https://xs.uz/uzkr/post/yangi-oquv-jilidan-boshlab-talabalar-masofadan-turib-oqitilishi-jolga-qojiladi>



олувчилар томонидан индивидуал, мустақил бажарилиши вақтида методик ёрдам берадиган маслаҳатчи, **Фасилитатор** (лот. “facilis”, ингл. “facilitator” – енгил, қулай) – масофавий таълим хизматидан фойдаланаётган гуруҳларнинг фаолиятини муаммонинг ечимини топишга йўналтирувчи, гуруҳларда юзага келадиган мулоқотни ривожлантирувчи, шунингдек, гуруҳлар фаолиятини холис, самарали баҳоловчи педагог, **Инвигилатор** – масофавий таълим асосида ташкил этиладиган ўқитиш натижаларини назорат қилувчи мутахассис-педагогларни кўпайтириш лозим.

Иккинчидан, масофавий таълим тизимида продуктив, репродуктив, муаммоли баён, эвристик ва илмий изланиш (тадқиқот) методлари кенг қўллаш лозим.

Учинчидан, оммавий очиқ онлайн курслар (МООС) – бу интернет орқали кўпчилик кириш имконияти мавжуд бўлган онлайн курсларни ташкил қилиш лозим.

Тўртинчидан, анъанавий таълим шаклида “Кластер”, “ФСМУ”, “SWOT”, “Инсерт” каби интерактив усулларни ва ва “Конференция”, “Чархпалак”, “Вазиятли масалалар” “Ақлий ҳужум” каби усулларни кенг қўллаш лозим.

Фикримиз сўнггида хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги ва келажакда ҳам анъанавий, масофавий ва аралаш(гибрид) таълим ўқитишида ҳам инновацион қарашлар ривожланиб бормоқда. Чунки, замон ривожланиб боргани сари таълим шакллари ҳам ўзгариб бормоқда. Бу эса ҳар бир таълим шаклларининг ўзига хослигини назарда тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонун.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ –5987-сон фармони.



3. С.Ниёзова ТДЮУ профессори в.б, ю.ф.д. (DSc), А.Алланова ўқитувчи <http://hudud24.uz/masofaviy> talimning afzalligi bu tizimning dunyoda keng ommalashishiga sabab nima/.
4. М.Ҳакимова Инновацион ривожланиш вазирлиги хузуридаги “Филология, психология ва педагогика” Илмий-техник кенгаши раиси, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, п.ф.д. <https://mininnovation.uz/uz/news/2054>
5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 27 марта қабул қилинган “Олий таълим муассасаларида масофавий таълимни жорий этиш тўғрисида”ги буйруғи <https://xs.uz/uzkr/post/yangi-oquv-jilidan-boshlab-talabalar-masofadan-turib-oqitilishi-jolga-qojiladi>
6. Abramova Ya.K. Blended learning as an innovative educational technology // Prospects for the development of information technologies. 2014. No. 17. S. 115.
7. Bogoryad NV, Lysunets TB Changing the role of the teacher in the concept of blended learning // In the world of scientific discoveries. 2014. No. 3 (51). S. 76.